

Муаззам шаҳарнинг бугунги жамоли

Мустақиллигимизнинг ҳаётбахш қудратини ўзида намойён этади

27 октябрь куни кўҳна ва навқирон Қарши шаҳрининг 2700, буюк давлат арбоби, соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 670 йиллик тўйи катта шодидна билан нишонланди.

Мамлакатимиз ва чет эллардан келган меҳмонлар қадимий Қарши заминига қадам қўяр экан, улкан бунёдкорлик, бекиёс ўзгаришлар, шаҳарсозлик маданиятини кўриб кўзлари қувнади. Жаҳон цивилизацияси маданияти тарихида алоҳида ўрин тутиб келган, Она-Ўзбекистонимиз дурдонаси — Қаршининг бу қадар кўркам, гўзал ва навқирон шаҳарга айланиши замирида теран маъно бор, албатта.

Одамлар кайфиятидаги кўтаринкилик, юз-кўзида балқиб турган қувонч, шодлик уларнинг шу заминни, шу Ватани жондан севиши, кўз қорачиқидек асраб-авайлашини ифода қилган.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 27 октябрь куни юбилей муносабати билан Қарши шаҳрига ташриф буюрди.

Юртбошимиз бу кўҳна ва навқирон шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Кўкғумбаз масжидида амалга оширилган таъмирлаш ишларини кўздан кечираркан, унинг атрофини боғга айлантириш, бу ерга хушманзара бута ва дов-дархатлар экиш юзасидан тавсиялар берди. Одина ёдгорлик мажмуида ташкил этилган "Ўзликни англаш" маркази

Соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг юксак гурури ва ифтихори тўла сўзларини давом эттириб, шундай деган бўлардим: кимки бизнинг куч-қудратимизни, халқимизнинг азму-шижоатини, қандай буюк ишларга қодир эканини кўрмоқчи бўлса, мана шу Қарши шаҳрида, бутун Ўзбекистонда амалга ошираётган бунёдкорлик ишларимизни келиб кўрсин.

Ислам КАРИМОВ



Фахр

фаоллари бўлган бир гуруҳ ёшлар билан суҳбатлашди. Президентимиз янги бунёд этилган марказий деҳқон бозорида тadbirkorлар ва харидорлар билан мулоқотда бўлди. Болалар дам олиш боғи ва унга туташ хушда барпо этилган замонавий мебеллар уйини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳри марказида



барпо этилган "Эл-юрт таянчи" монументининг очилиш маросимидаги нутқидан мазкур бадий обиданинг назоратчилари бўлиб кўрди.

ни ҳақида сўз юритди. "Ушбу ҳайкал пойидаги тегиримон тоши бамисоли ҳаёт гардиши каби шиддат билан айланиб, замон, давр тинимсиз ўзгариб боришини англайтирибди.

(Давоми 2-бетда)

Ғуруримга айланган Ватан

Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи ва соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 670 йиллик тантаналарида иштирок этар эканман, бу ердаги гўзаллик ва шод-хуррамликни кўриб, Президентимизнинг табрик сўзларини тинглаб, очини, осмонларда учиб юргандек бўлдим. Кўксимни ғурур, фахр ва ифтихор ҳисси эгаллаб олди.

Тўғриси, авваллари ҳам кўпгина катта-кичик анжуманларда, тўй-тантаналарда иштирок этишимга тўғри келган: Лекин, бунақасини, бунақа кўтаринкилик ва улкан шодиднани, ростки, энди

кўришим. Юртбошимиз ўз сўзларида кўҳна Қарши шаҳрининг бой ўтмишини, бу ерда яшаб ўтган улук аждодларимизни, шаҳримизнинг кўлаб қадимий ва бетакор обидаларини, буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темури хазиналарининг тарихий хизматларини ҳар бир иштирокчининг кўз ўнгидега гавдалантириб қўйдилар, десам хато қилмаган бўламан.

Дарҳақиқат, истиқлолга эришиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олганимиздан сўнг, Қашқа воҳасининг қадимий тарихи, юксак нуфузини қайта

Дил сўзи

тиклашга муяссар бўлинди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари, саяёҳаракатлари, мард ва танти халқимиз иродаси билан Қарши мамлакатимизнинг энг чиройли ва кўркам шаҳарларидан бирига, йирик саноят ва маданият марказига айланди. Қарши шаҳрининг кўтулғу тўйи муносабати билан вилоятимизда фақатгина сўнгги

иқки йил давомида кўлаб қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига қарийб 50 миллиард сўм маблағ сарфланганлигининг ўзбек бажарилган ишлар кўлами қанчалар ул-

кан эканини аққол кўрсатиб турибди. Қадимий шаҳримизнинг тарихий қиёфасини тиклаш мақсадида қилинган кенг кўламли ишлар, хусусан, эски шаҳар, Регистон майдони, ўнлаб меъморий обидалар туддан қайта тикланиб, таъмирлангани, Мустақиллик майдони, воҳамиз халқининг тимсоли сифатида қад ростилаган "Эл-юрт таянчи" ёдгорлик маҳмуи, Марказий ва Болалар истироҳат боғи, амфитеатр майдони, кўлаб янги тураржойлар, тенг ва раво кўчалар, обод бозор ва кўркам хибонлар Қарши шаҳрини мамлакатимизнинг энг гўзал, энг обод ва энг фусункор шаҳарларидан бирига айлантирди.

Шавкат ТУРСУНОВ, Касби туманидаги "Шавкат" фермер хўжалиги раиси, "Фидо-корона хизматлари учун" ордени соҳиб.

Мақсад - эл фаровонлигини янада юксалтириш

Республикамиз Президентининг ташаббуси билан ташкил этилган "Uzbekistan Agrominitech Expo - 2006" кишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослаштирилган халқаро кўргазмаси давом этапти. (Бу ҳақдаги мақола билан газетанинг 3-саҳифасида танишасиз)



Куннинг муҳим воқеалари

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг Қорақалпоғистон Республикасидаги ижросига оид назорат-таҳлилий муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноят, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси тизимидеги ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган ЮНЕСКОнинг (БМТнинг Болалар жамғармаси) Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича минтақавий директори Мария Каливис раҳбарлигидаги делегация Фарғонада бўлиб, вилоят соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурлар ижроси билан танишди.

● Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент вилояти фаолларининг жорий йил тўққиз ойида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг энг муҳим комплекс дастурларининг амалга оширилиши ва 2007 йилга мўлжалланган асосий дастурларни шакллантириш масалаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● Пойтахтимиздаги Республика ўқувчилар саройида 2007-2008 ўқув йили учун нашр этилиши режалаштирилган мактаб дарсликлари ва ўқув адабиётлари кўргазма-ярмаркаси очилди.

● Ўзбекистон Давлат санъат музейида Ўзбекистон Бадий академияси билан ҳамкорликда Ёш мусавир Темури Раҳметов асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

● Тошкентда «Нодавлат но்தикорат ташкилотларининг ихтимой мулоқотини йўлга қўйиш ва ривожлантиришдаги ўрни» мавзусида Ўзбекистон жамоат ташкилотлари форуми бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Президенти ҳузуридеги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида халқаро ҳуқуқ нормаларини Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига имплементация қилиш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● «Маънавият» нашриёти томонидан «Қарши-2700» китоб-альбоми чоп этилди.

«Кишлоқ ҳаёти» газетасининг 2006 йил 3 октябрь сонидеги ана шу сарлавҳа остида танқидий-таҳлилий мақола чоп этилган эди. Унга қуйидаги жавоб хатлари олинди:

«Фермер нега сарсон - саргардон?»

"Андижон вилояти прокуратураси томонидан мақолада кўрсатилган ҳолатлар 17-0404-1773-сонли хўжалик иши бўйича мавжуд ҳужжатлар асосида ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, 2004 йилнинг июль ойида Андижон вилоят Адлия бoshқармаси "Мустақиллик" кўп тармоқли фермер хўжалигининг манфаатини кўзлаб, вилоят хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, Давлат мулкни бошқариш ва тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси вилоят бoshқармаси ҳамда фермер хўжалиги ўртасида

хўжалик иши иш юритувга қабул қилиниб, мазмунан кўриш учун 2005 йилнинг 9 декабрь кунига тайинланиб, 11.12.2005 йилдаги ажрим билан даъвогарнинг суд мажлисида келмаганлиги асос қилиниб, даъво аризаси қўрилибмасдан қолдирилган.

Суднинг ушбу ажримига тарафлар томонидан ҳеч қандай муносабат билдирилмаганлиги сабабли кучида бўлиб келган.

Мақола чоп этилган, вилоят прокуратураси томонидан 17-0404-1773-сонли хўжалик иши қақибриб олинди, қонунчилиги ўрганилганида, суд ишни кўришда Ўзбекистон Республикаси

«Кишлоқ ҳаёти» га жавоб берадилар

ХПҚнинг 122,124,128-моддалари талабларига эид равишда даъвогар ва жавобгарларнинг суд муокамасининг вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилмасдан, ишни ҳар тарафлама ҳақиқий ҳолатларини аниқ суднинг 24.09.2004 йилдаги ажрими билан тарафлар ўртасида тузилган "келишув битими" тасдиқланиб, даъво бўйича иш юритув тугатилган.

Мазкур ажрим вилоят прокурорининг кассация протести ҳамда "Мустақиллик" кўп тармоқли фермер хўжалигининг кассация шикоят асосида 02.11.2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди кассация инстанциясида кўриб чиқилиб, бекор қилинган ва янгитдан кўриш учун юборилган.

Вилоят хўжалик судининг (судья Ф.Мирзаев) 25.11.2005 йилдаги ажрими билан 17-0404-1773 сонли

рига эид равишда даъвогар ва жавобгарларнинг суд муокамасининг вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилмасдан, ишни ҳар тарафлама ҳақиқий ҳолатларини аниқ суднинг 24.09.2004 йилдаги ажрими билан тарафлар ўртасида тузилган "келишув битими" тасдиқланиб, даъво бўйича иш юритув тугатилган.

Апелляция протести вилоят хўжалик судининг 06.10.2006 йилдаги судлов ҳайъатида кўриб чиқилиб, ажрим бекор қилинди ва иш янгитдан кўриш учун юборилди.

Хозир хўжалик иши судья И.Солижонов томонидан прокурор иштирокда кўриб чиқилмоқда. Ишнинг мазмунан кўрилишида қонунда белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этилиши таъминланади.

Б.ДЕХҚОНОВ, Андижон вилояти прокурори, адлия катта маслаҳатчиси.


Шунингдек, ушбу мақола юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан ҳам жавоб хатлари олинди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

"Андижон туманидаги "Мустақиллик" кўп тармоқли фермер хўжалиги иштирокдаги иш бўйича чиқарилган вилоят хўжалик судининг 2005 йил 11 декабрдаги даъво билан қолдириш ҳақидаги ажрими бекор қилиниб, иш мазмунан кўриш учун юборилди.

Андижон вилоят хўжалик судининг 2006 йил 27 октябрдаги ҳал қилув қарори билан Давлат мулкни бошқариш ва тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш вилоят бoshқармаси ва "Мустақиллик" фермер хўжалиги ўртасида 2002 йил 31 мартдаги кўчмас мулк олди-сотди шартномаси бекор қилинди. Фермер хўжалиги фойдасига Давлат мулкни бошқариш ва тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш вилоят бoshқармаси ҳисобидан 43 миллион 744 минг сўм ундириш белгиланди.

Андижон вилоят хўжалик судининг судьяси Ф.Мирзаевга нисбатан интизомий иш қўзғатилади.

Х.АЗИЗОВ, Олий хўжалик суди раиси ўринбосари.



Дунё саҳнасида

Изланиш

Томдилик Фарида Муҳаммеджанова тadbirkorликка ўзининг хунари туфайли кириб келди. Агар у тиккан либослар овул қизлари орасида кўлма-кўл бўлмаганида, бу аёл кичик корхона очиб ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган бўларди.

Томдилик ўтовчи аёл

Тикилган биринчи кўйлақлар қўшни қизларни қизиқтириб қўйди. Кейин буюртмачилар бошқа кўчалардан ҳам келадиган бўлишди. Ишлар аста-секинлик билан юриша бошлади. "Жигер" деб номланган бу кичик корхонага узоқ-яқиндаги овуллардан буюртмалар тушди. Кўп ўтмай бу ерда нафақат кўйлақлар, балки кўрпа-кўрпачалар, тўнлару нимчалар ҳам тикила бошлади. Томдиннинг каттиқ совуқларида чўпонларнинг жонига оро қирадиган пахта-

лик фуфайка ва унинг шими-га буюртмалар тушди. Бу эса янги иш ўринлари очишни тақозо этарди. Фаридахон овулдаги чеварликка иштиққаманд қизлар ва келинчалардан танлаб-танлаб ишга олди. Шундай қилиб, Томди туманининг марказида кичкинагина тикув цехи иш бошлаб, бир неча оиланинг қозо-

нини қайната бошлади. Узоқ Томди яйловлари тўғрисида гапирганда, энг аввало, чеки-худуди йўқ кенгликлар, саксовулзорлар, қум барханлари кўз олдимизга бошлади. Вилоят маркази Навоийдан Томдига бориш учун камиде 300 километр йўл бошиш керак. Бу кенгликлар мудраб ётгани билан аслида эътибордан четда қолиб кетган саҳро эмас. Аввало, бу мамлакатимизнинг ҳосилдор яйловлари.

(Давоми 2-бетда)

АВТОТРАНСПОРТ - КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ - AVTODOM plus

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тоннали юк машиналари, 3-7 ўринлиқли, 0,8 тонна юк кўтарилган фурголар, 6-15 ўринлиқли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш исталган усулда!

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-95, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Мақсулотлар сертификатланган

Умуммиллий дастур — амалда

Бу ерда ўқимоқ ҳавасдир...

Мамлакатимизда 80 га яқин академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида етакчи ўринда туриш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бухоро шахридаги Ф.Хўжаев академик лицейи мана, бир неча йилдирки, ўқув самарадорлиги бўйича республикада биринчи ўринни эгаллаб келаяпти.

Лицейимиз 2000 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда, - дейди билим насакини директори Махмуд Эргашев. - Бизда ўрта умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирган ўғил-қизлар ижодий байъ ҳамда тест синови асосида ўқишга қабул қилинади. Ешлар табиий, ижтимоий-гуманитар, хорижий тиллар ва аниқ фанлар йўналишларида сабоқ олади.

Маъзур лицейни 2003 йилда илк бор элик нафар ўқувчи битирган эди. Уларнинг ҳаммаси республикаимиз олий ўқув юртига ўқишга қабул қилинган. Кейинги икки йилда бу кўрсаткич 96,4 ва 94 фоизни ташкил этди.

Ўқув самарадорлигининг юқори бўлишида, шубҳасиз, ўқувчиларнинг ҳиссаси бешиқ катта. Лицейда ўз касбига меҳр кўйган, билимли, изланувчан устозлар кўп. Аниқ фанлар кафедраси мудири, математика фанлари номзоди, доцент Н.Тураева, табиий фанлар кафедраси мудири, биология фанлари доктори, профессор С.Буриев, олий тоифали ўқитувчи М.Шарипова каби ўз касбининг фидойилари ёш авлодлар ҳар томонлама баркамол вояга етказиш учун астойдил интиладилар. Лицейнинг ўн нафарга яқин ўқувчиси АКШ, Хиндистон, Индонезия, Корея, Дания, Германия сингари давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртиларида малака ошириб қайтишган.

Бола синфда ўзини эркин сезиши керак, - дейди бир неча давлатларда бўлиб, улардаги таълим жараёнини яқиндан кузатган инглиз тили ўқитувчиси Лидия Мухитдинова. - Дарсда асосий фаолиятни ўқувчилар олиб боради маъқул. Ўқувчи эса уларни йўналтириб туриши лозим. Хиндистонда Ж.Неру номидаги кутубхонада матбуотда чоп этилган мақолалар банки яратилганини кўрдик. Лицейимизда шуни йўлга қўйдик. Бу ўрта мактабларда ҳам оммалаштирилса яхши бўларди. У ёки бу мавзуда дарс ўқишда мақолалар банки жуда асқола-

ди. Хорижда 5-6 та фанни ўқувчи ўз йўналишидан келиб чиқиб танлайди. Мақсад — унга кўпроқ бўш вақт ажратиш, токи мустақил ўқиб-ўрганишга одатлансин.

Лицейда нафақат Бухоро, балки республикамизнинг турли вилоятларидан ҳам келиб сабоқ олинаётган.

Наманганнинг Поп туманиданман, - дейди лицейнинг 1-босқич ўқувчиси Мухаммадали Зокиров. - Физика йўналишида сабоқ олайман. Мустақил ишлаш, изланишга тўғри келаяпти. Талаб ҳам катта. Келажакимга ишонганим боис шу лицейни танлаганман.

Ўқувчиларимиз фан олимпиадаларида ҳам муваффақиятли қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишяпти, - дейди лицей директори ўринбосари Нурбек Нарзуллаев. - Хатто Мунис Шарипов деган ўқувчимиз 2004 йилда информатика фани бўйича халқаро олимпиада иштирокчиси бўлди.

Сабоқни янги педагогик технологиялар асосида ўқувчиларга индивидуал вази-фалар берган ҳолда ўтаямиз, - дейди Л.Мухитдинова. - Бу яхши самара берапти. Давр ўзгараётган. Бугунги талабалар ҳам бошқача. Биз, ўқитувчилар видео, мультимедиялардан фойдаланган ҳолда янгича услубда дарс беришимиз лозим. Токи, ўқувчи мустақил фикрлай оладиган, эҳти қўриб бўлиб вояга етсин.

Лицейда шу мақсад йўлида бир қатор ишлар амалга оширилган. Иккита компьютер синфи, 30 минг китоб фондига эга кутубхона, 100 ўринли ўқув зали мавжуд. Спорт зали ва майдони, 200 ўринли ётоқхона, 120 ўринли ошхона ўқувчилар ихтиёрида.

Лицей жамоаси ҳар бир кунни ютуқлар қувончи билан кўтиб олади. Шогирдлари устозларидан ўзган жамоада бундай қувончли кунлар жуда кўп бўлади.

И.ИБРОҲИМОВ,
«Кишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Хайронман, негадир кейинги йилларда ҳовли-миздаги икки тул беҳи ҳосил қилмаяпти. Қизғи, дарахтлар гуллабди, лекин гулдан чиқар-чиқмас қов-жаираб қолади. Қизқисам, бу ҳолга Самарқанд, Сур-хондарё вилоятлари, Фарғона водийсидаги боғбонлар ҳам дуч келишгандир экан. Бунинг сабаби нимада? Унга қарши қандай чоралар кўришни маслаҳат берасиз? Унга **Жасур ШОМУРОДОВ,** Қашқадарё



Беҳизорлардаги бу касаллик мониллоз, яъни мониллиал кўйиш касаллигидир. Охириги 4-5 йилда касалликнинг кенг тарқалиши оқибатида республикаимизда деярли барча беҳизорлар ундан зарарланган, натижада ҳосил нобуд бўлмоқда.

Бу касаллик, асосан, баҳорда, гуллаш мавсумида ҳаво намгарчилиги юқори бўлган йиллари ривожланиб, хатто ўрик ва олхўри дарахтларини ҳам маълум даражада шикастлайди. Беҳизорларда бу касаллик 100 фоизгача тарқалмоқда. Чунки беҳизорнинг мева тугунчалари ва барглари тукли бўлгани учун ёнгиғарчилик, шудринг тушишидан кейинги нам кўпроқ сақланади ва замбуруннинг ривожланишига қулай шароит тудиради. Натيجада, беҳи гулдан чиқиси билан мева тугунчалари ва ўсаётган новдалар бирдан қуриб қолади.

Беҳизорларни соғломлаштириш, мониллоз касаллигини даф қилиш учун қуйидаги комплекс тадбирларни амалга ошириш зарур:

1. Беҳи гулдан чиқиб, зарарланган мевалари ва новдалари аниқ бўлган (гуллагандан 15-20 кун ўтгач) барча шикастланган мева, новда ва шохлар кесиб олиниб қуйдирилади.
2. Зарарланиб тўқилган барглари ва мева тугунчалари дарахт атрофини 20-30 см чўқурликда ағдариб чопиш йўли билан йўқ қилинади.

3. Беҳизорнинг касалликка чидамлигини ошириш мақсадида кузги шудгор олдидан калий ва фосфорли ўғитлар билан озиклантириш зарур. Қўқлам ва ёзда эса аммофос ўғити билан бир-икки марта озиклантирилади. Шунингдек, шудгорни органик ўғит солиниши ҳам кони фойда.

4. Эрта баҳорда, қуртақлар бўртиш арафасида ёки кузда дарахтларни 3-4 фоизли бордо суюқлиги билан жиққа хўлбаб ювиш зарур. Дарахтлар гулдан чиққан, 1 фоизли бордо суюқлиги билан такорр 1-2 марта дориланади, 5 фоизли оҳақтингурут қайнатмасини (ИСО) ёки 3 фоизли темир купаросини қўласа ҳам бўлади. Қўқламда Топсин-М препарати-ни селиш ҳам яхши самара беради. Мана шу тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилса, беҳизорларимиз соғломла-шиб, ҳар тулпидан 80-120 кг гача мева олиш мумкин.

М.РАЗЗОҚОВ,

Р.Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институти бўлим мудири, кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

Ҳаёт шарбати нимада?



ёрдам беради. Она сутини эмиб вояга етган болалар ўз тегибурлари орасида ҳисмонан ҳамда ақдан ажралиб турадилар. Айниқса, болалар ўртасида кўп учраб турадиган гипотрофия, яъни бола озик-ланганининг сурнақасига бузиллиши туфайли уни аста-секин озиб кетиши, миғал (рахит) ва камқонлик касалликлари кўпинча она сутига тўймаган болаларда учраши кайд этилган.

Илмий тадқиқотларга қараганда, гўдакка она сути орқали керакли озука моддалари билан бирга онанинг меҳр-муҳаббати, инсоний илиқлик, фазилатлари ҳам ўтади. Она сутига тўйиб ўсган болалар кейинчалик ота-она-сига, одамларга меҳр-муҳаббатли, оқибатли бўлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, она сутини қуйидаги бир қатор хасталиқлар да-воси ҳамдир:

• Соғлом она сутини пасот боғлаган қулоқ ярасига мал-ҳамлик қилади, чиркларни юмшатиб, қўшишга мойиллик яратади. Одам қулоқ "оғир-лиги"дан ен-гил тортади.

• Ибн Сино кайд қилишича, она сутини касаллигида жуда фойдалидир ва бу "ден-гиз куёни" захарига ҳам қар-ши даводир. Одам сутини меъ-данинг ачишиб қуйишини бо-сади.

• Кўрак сутини фарзанд-ларидан аямаган оналарнинг ўзи ҳам маълум даражада кўрак хавфли ўсмасидан холи бўлишлари билан бир-га, уларда жинсий безлар фа-олиятининг тўхтаб бориши дав-ри хийла кеч бошланади.

• Аёлларда учрайдиган кўрак безининг шомоллаб, ялғиланиши (мастит), гине-кологик касалликлар боласи-ни тўлиқ эмизган аёлларда 20-25 баробар кам учраши аниқланган.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

“Гидротехника қурилиши” факультети битирувчилари ва илмий ходимлар диққатига!

Тошкент ирригация ва мелiorация (илгариги ТИХХМИИ) институти Сизни “Ирригация гидротехника иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш” (илгариги ГТК) факультетининг 2006 йил 22-23 ноябр кунлари ўтказиладиган 60 йиллик юбилейи тантаналари ва шу муносабат билан кишлоқ ва сув хўжалиги, фавқулодда вазиятлар вазирликлари, “Давлатсухўжаликназорат” инспекцияси ҳамда “Гидролойиха” АЖ ҳамкорлигидаги “Гидротехника иншоотлари ишончилиги ва хавфсизлиги муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси ишда қатнашишга таклиф қилади.

Конференция қуйидаги секциялар бўйича ташкил этилиши режалаштирилган:

- Гидротехника иншоотларини ишлатиш ва ишончилиги муаммолари;
- Гидротехника иншоотларини бевосита кузатиш, диагностика қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш;
- Гидротехника иншоотлари хавфсизлигининг меъёрий-ҳуқуқий асослари;
- Гидротехника иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш муаммолари.

Чоп этиш учун материаллар 2006 йил 5 ноябргача қабул қилинади. Юбилей тантаналари ва конференция Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси 39-уй, ТИМИДА ўтказилади. Мехмонлар институти меҳмонхонасига жойлаштирилади. Қатнашчилар 2006 йил 22-ноябр соат 9⁰⁰ да институти маданий саройида рўйхатга олинади. Олдидан рўйхатга ёзилиш ва маълумотлар олиш (8-371) 137-19-32, 137-22-36, 137-19-87 телефонлари орқали олиб беришмоқда.

Ташкилий қўмита

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ **BELARUS**
Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали
МТЗ “Беларус” ТРАКТОРЛАРИ
МИНИ ТЕХНИКА ва УПАР УЧУН ЭЪТИЁТ ҚИСМЛАРИНИ ТАҚИФ ЭТАДИ.
Манзилимиз: Тошкент ш., Бротислава кўч., 11. Тел.: 361-40-33, 361-40-90. Факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги ООО "FADIAB INDUSTRIES" МЧЖ Ўз Номини жағгармасини 72392000 сўмдан 250000000 сўмгача ка-майитришни маълум қилади. Давлолар эълон чоп этилган санадан бош-лаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 186-14-94.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 315-мактаб томонидан 2002 йили Мамадалиев Рустам Рўзимаматович номига берилган У №0412218 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли беқор қилинади.
Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги "BARIBAL-BIZNES" масъулияти чекланган жамияти "BARIBAL-BIZNES" жусурий корхонасига айлантирилмоқда. Давлолар эълон чоп этилган санадан бош-лаб икки ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳар, Суғали ота кўчаси, 76А-уй.

Наслчилик ва зооветеринария хизмати кўрсатувчи тадбиркорлар, фермер ва шахсий хўжалик эгалари диққатига!

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Давлат ветеринария Бош бошқармаси ва “Дехқонсавдо” ташқи савдо бирлашмаси хориждан зооветеринария пунктлари учун зарур ветеринария асбоб-ускуналари, микроскоплар ва “Дьюар” идишларини жаҳон нархларидан паст баҳога сўмга келтириб беради.

Мурожаат учун манзил:
Давлат ветеринария бош бошқармаси. Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси 21-а уй. Тел: 366-90-85 (факс), 366-66-17, 366-91-51.
“Дехқонсавдо” ташқи савдо бирлашмаси. Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Беруний кўчаси – 371-уй. Тел: 396-34-60, 396-35-86 (факс), 396-34-50.

“CHELA RAM TEXTILE TRADING LLC”, расположенное по адре-су: г.Ташкент, пл.Ак Теге, 62, сообщает о намерении приобрете-ния акций эмитента ОАО «ТАНСИО-НОН», расположенного по адресу: г.Ташкент, Мирабадский р-н, ул.Чехова, 1 в количестве 90200 шт. равному 35% от Уставного фонда. Тип приобретае-мых акций: акция простая именная безналичная.
ДП «HARIRAM TRADE», расположенное по адресу: г.Ташкент, ул.Дружба Народов, 41, сообщает о намерении приобретения акций эмитента ОАО «ТАНСИО-НОН», расположенного по адре-су: г.Ташкент, Мирабадский р-н, ул.Чехова, 1 в количестве 90200 шт. равному 35% от Уставного фонда. Тип приобретаемых ак-ций: акция простая именная безналичная.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ	ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Сайд АХМАД, Агатай АДИЛОВ, Уктам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУХАММАД	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агротехнология комплексини таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар	ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоватчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25, Котибнат - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87	ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Корақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-608-34; Наманган - 8-366-22-60-525; Наманган - 8 - 369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.	Реклама ва эълонлар матни учун бюртмачи жавобгар Тижорат мақола	МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	Навбатчи: М.БЕКИЕВ Саҳифаловчилар: Р.ЕДГОРОВ, А.САФОНОВ Бош мусаввир: Ҳ.ТОШҲУЖАЕВ
--	---	--	---	--	---	---	---